**1-сон Пудрат шартномаси**

*2022 йил "10" сентябрь*

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган 7252 сонли ҳарбий қисм номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари **Х.Х.Юсупов** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган "REMSTROY XIZMAT" Кўп тармоқли корхона номидан Низом асосида иш кўрувчи Б.Назаров иккинчи томондан **7252 сонли ҳарбий қисм нотурар биноларини мукаммал таъмирлашга** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. Таърифлар**

**1.Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:**

**"ижро ҳужжатлари": -** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартноманинг нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **7252 сонли ҳарбий қисм нотурар биноларини мукаммал таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори **(2022 йил "6" сентябрдаги "_____/1,2,3" сон баённома)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 709 000 000** (бир миллиард етти юз тўққиз миллион) **сўмни** ташкил этади.

қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "____" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

Scanned with CamScanner

- "____" иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини суғурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

**V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

**VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **45 иш кунини** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

**VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг **15%** микдорида, аванс ўтказади, бу **256 350 000** (икки юз эллик олти миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг ___% гача доирасида амалга оширилади.

Scanned with CamScanner

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координаталари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

Scanned with CamScanner

32. Алохида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникла(са) у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

Scanned with CamScanner

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

### XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ______ кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида **24 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

Scanned with CamScanner

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг ___ % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг___ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг _____ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг _____ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг _____ фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг _____ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш,

Scanned with CamScanner

шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ____ фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2 нусхада** тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| **7252 ҳарбий қисм** | **“REMSTROY XIZMAT” КТК** |
| Самарқанд тумани Гиёсиддин Жамшид-20 | Самарқанд ш. Навбатчилик кўчаси Узумзор-24 |
| Самарқанд вил. Марказий Банк ХККМ ББ | Тошкент ш. “Ўзсаноаткурилишбанк” АТБ |
| Х/р 23 404 000 300 881 752 324. | Х/Р: 20 208 000 904 303 167 001 |
| МФО 000 22 ИНН 207 276 864 | МФО: 00 440 ИНН: 204 719 471 |
| тел. 66.616-80-82 66.616-80-85 | |
| Раҳбар: ________ Х.Х.Юсупов | Раҳбар: ________ Б.Назаров |

SAMARQAND VILOYATI ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI
TASHKILIY BOSHQARMA YURIDIK TA'MINLASH BO'LIMI
HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
№ 614 raqam bilan qayd qilindi
2022 yil «10» 09

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 143500 на приобретение Услуги по капитальному ремонту зданий**

Способ проведения электронный

Дата 06.09.2022

Время рассмотрения 06.09.2022 17:53

Конкурсная комиссия Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халкаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кушинлари Самарканд халкаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алохида батальони 7252 харбий кисм, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | GULOMOV ODILJON IBROXIMOVICH | 7252 HQKO | qurilish |
| **Секретарь комиссии** | SANAYEV SOBIRJON ISLOM O'G'LI | 7252 HQ MXB | qurilish |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULLO XUSANBAYEVICH | 72 52 HQ KB | Qurilish |
| **Член комиссии** | ULUG'OV SHAVKAT SHUKUROVICH | 7252 HQ KO | qurilish |
| **Член комиссии** | RAXIMOV SOXIB ISMOILOVICH | 7252 HQKO | qurilish |
| **Член комиссии** | SADADDINOV ANVARBEK MADRAXIMOVICH | 7252 HQTBO | qurilish |
| **Член комиссии** | YULDOSHEV OZODXON JURAXONOVICH | 7252 HQAXB | qurilish |
| **Член комиссии** | SHERMATOV NODIR XABIBJONOVICH | 7252 HQSHBO | qurilish |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.09.2022 года № лота 143500.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту зданий** |
| Подробное описание | Капитальному ремонту нежилого зданий воинской части 7252 в Самаркандской области |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 1716 148 349.00 |
| Стартовая сумма | 1716 148 349.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 "Корхона ишни уз вактида бажариш учун зарурий моддий-техника базаси мавжудлиги, техника хафсизлиги коидалари тулик риоя килиниши буйича талаблар ва йурикномалари"

Тип: Текстовое значение

Описание: "Корхона ишни уз вактида бажариш учун зарурий моддий-техника базаси мавжудлиги, техника хафсизлиги коидалари тулик риоя килиниши буйича талаблар ва йурикномалари"

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| **ДП УНР-703** | 20 | 1713148349 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО QOBULMIRZO** | 20 | маълумотнома моддий техника базаси | 10 | Экспертная | | |
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 20 | письмо в приложении | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Правомочность заключения договора.

Тип: Текстовое значение

Описание: Правомочность заключения договора.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| **ДП УНР-703** | 20 | 1713148349 | 15 | Экспертная | | |
| **ООО QOBULMIRZO** | 20 | устав ва гувохнома | 10 | Экспертная | | |
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 20 | хат илова килинмокда | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Отсутствие задолженности по уплате нологов и других обязательных платежей.

Тип: Текстовое значение

Описание: Отсутствие задолженности по уплате нологов и других обязательных платежей.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| **ДП УНР-703** | 20 | 1713148349 | 20 | Экспертная | | |
| **ООО QOBULMIRZO** | 20 | солик маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 20 | хат илова килинмокда | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Отсутствие процедур банкротства

Тип: Текстовое значение

Описание: Отсутствие процедур банкротства

Обязательность: Критично

Scanned with CamScanner

хати"

Тип: Текстовое значение

Описание: "Тижорат таклиф Лойиха-смета хужжатлари асосида тузилган булиб тасдикланган булиши шарт таклиф этилаётган жорий таъмирлаш ишларини ва предметда курсатилган муддатдан ошмаслиги хакида кафолат хати"

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 20 | 1713148349 | 15 | Экспертная | | |
| OOO QOBULMIRZO | 20 | кафолат хати | 15 | Экспертная | | |
| БИНОКОР МЧИЧК | 20 | письмо в приложении | 10 | Экспертная | | |

Критерий №8 "Ташкилот пудратчи шартномани бажариш учун зарур техник, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги"

Тип: Текстовое значение

Описание: "Ташкилот пудратчи шартномани бажариш учун зарур техник, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги"

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 20 | 1713148349 | 15 | Экспертная | | |
| OOO QOBULMIRZO | 20 | маълумотнома | 20 | Экспертная | | |
| БИНОКОР МЧИЧК | 20 | письмо в приложении | 20 | Экспертная | | |

Критерий №9 Отсутствие записи в Едином реестре недобросовестных исполнителей

Тип: Текстовое значение

Описание: Отсутствие записи в Едином реестре недобросовестных исполнителей

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 10 | 1709000000 | 10 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 10 | 1713148349 | 5 | Экспертная | | |
| OOO QOBULMIRZO | 10 | справка об отсутсвие записи в Единой реестре недобросовестных исполнителей | 10 | Экспертная | | |

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 5 | 1709000000 | 5 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 5 | 1713148349 | 5 | Экспертная | | |
| ООО QOBULMIRZO | 5 | письмо об отсутствии процедуры банкротства | 5 | Экспертная | | |
| БИНОКОР МЧИЧК | 5 | хат илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №5 "Мажбурий туловлар мавжуд эмаслиги солик ва К2 карздорлиги мавжудл эмаслиги хакида маълумотнома"

Тип: Текстовое значение

Описание: "Мажбурий туловлар мавжуд эмаслиги солик ва К2 карздорлиги мавжудл эмаслиги хакида маълумотнома"

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 20 | 1713148349 | 10 | Экспертная | | |
| ООО QOBULMIRZO | 20 | банк оборот | 10 | Экспертная | | |
| БИНОКОР МЧИЧК | 20 | хат илова қилинмоқда | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Хизмат курсатувчи хизматларини амалга ошириш буйича охирги 3 йилда бажарган ишлари тугрисида маълумотлар, ташкилотлар билан тузилган шартномалар нусхаси ва далолатномалар нусхаси 15 тадан кам булмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат курсатувчи хизматларини амалга ошириш буйича охирги 3 йилда бажарган ишлари тугрисида маълумотлар, ташкилотлар билан тузилган шартномалар нусхаси ва далолатномалар нусхаси 15 тадан кам булмаслиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| REMSTROY XIZMAT XK | 20 | 1709000000 | 20 | Экспертная | | |
| ДП УНР-703 | 20 | 1713148349 | 15 | Экспертная | | |
| ООО QOBULMIRZO | 20 | гос акт | 10 | Экспертная | | |
| БИНОКОР МЧИЧК | 20 | хат иловаси билан | 10 | Экспертная | | |

Критерий №7 "Тижорат таклиф Лойиха-смета хужжатлари асосида тузилган булиб тасдикланган булиши шарт таклиф этилаётган жорий таъмирлаш ишларини ва предметда курсатилган муддатдан ошмаслиги хакида кафолат

Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 10 | письмо в приложении | 10 | Экспертная | | |

Критерий №10 "Ишчи ходимлар сони 24 дан кам булмаслиги мавжудлиги хамда Я гона мехнат миллий базаси хамда Давлат солик кумитаси томонидан хакикийлиги тасдиклангакнлиги тугрисида маълумот"

Тип: Текстовое значение

Описание: "Ишчи ходимлар сони 24 дан кам булмаслиги мавжудлиги хамда Я гона мехнат миллий базаси хамда Давлат солик кумитаси томонидан хакикийлиги тасдиклангакнлиги тугрисида маълумот"

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 10 | 1709000000 | 10 | Экспертная | | |
| **ДП УНР-703** | 10 | 1713148349 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО QOBULMIRZO** | 10 | ишчи ходимлар сони | 10 | Экспертная | | |
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 10 | письмо в приложении | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 1 716 148 349.00 | 1 560 235 924.00 UZS | 1 560 235 924.00 | 00.00 | 1 560 235 924.00 | 05.09.2022 20:24:48 | 30.00 |
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 1 716 148 349.00 | 1 709 000 000.00 UZS | 1 709 000 000.00 | 00.00 | 1 709 000 000.00 | 29.08.2022 11:12:25 | 27.39 |
| **ООО QOBULMIRZO** | 1 716 148 349.00 | 1 650 142 643.00 UZS | 1 650 142 643.00 | 00.00 | 1 650 142 643.00 | 30.08.2022 17:06:00 | 28.37 |
| **ДП УНР-703** | 1 716 148 349.00 | 1 713 148 349.00 UZS | 1 713 148 349.00 | 00.00 | 1 713 148 349.00 | 30.08.2022 14:34:43 | 27.32 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **БИНОКОР МЧИЧК** | 46.6669 | 30 | 76.6669 |
| **REMSTROY XIZMAT XK** | 70 | 27.39 | 97.39 |
| **ООО QOBULMIRZO** | 50.9089 | 28.37 | 79.2789 |
| **ДП УНР-703** | 48.7879 | 27.32 | 76.1079 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 143500 от 06.09.2022 года на приобретение Услуги по капитальному

Scanned with CamScanner

ремонту зданий определила победителем:

REMSTROY XIZMAT XK
204719471

и резервный исполнитель: ООО QOBULMIRZO (203682047)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | GULOMOV ODILJON IBROXIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULLO XUSANBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ULUG'OV SHAVKAT SHUKUROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXIMOV SOXIB ISMOILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SADADDINOV ANVARBEK MADRAXIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHERMATOV NODIR XABIBJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YULDOSHEV OZODXON JURAXONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Scanned with CamScanner